

## Ҳадис дарслари (130-дарс). Дўзахдан сақланиш



13:30 / 31.03.2021 5734

مجلسو هېلع هللا ىل صرې بئلا نَعُو، هُنَعُ هَللا ىل صرّة زېرُه ىبأ نَع  
بأودلا تلَعَجَف اَران دَقُوْتُ سِلْجُرْلَثَمَك ىتْمُ اَلَثَمَو ىلَثَم اَمْن! اَلَق  
اُمُه اَوْر. اهېف نُوْمَحَقَتْ مُتْنَاو، مُكْرَجْحُبُ ذِخَا اَنَاف، اهېف نَعْقَو ىلْ شَارْفُ لَوا  
ىلْ ذِمْرَتْ لَوا نَاخِى شِلْا

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, мен ва менинг умматимнинг мисоли худди олов ёқиб ўтирган одам ҳамда унга (оловга) келиб тушаётган ҳайвон ва капалакларга ўхшайди. Мен сизнинг белбоғингиздан тутиб турувчиман, сиз эса ўзингизни оловга урасиз», дедилар».

Икки Шайх ва Термизий ривоят қилишган.

**Шарҳ:** Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ҳадиси шарифларида у зотнинг Суннатларини маҳкам ушлашга ишора бор. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари билан умматлари орасидаги муносабатлар ҳаётдан олинган мисол билан тушунтириб берилмоқда.

Қоронғи кеча. Бир одам олов ёқиб ўтирибди. Турли ҳашарот ва капалаклар келиб, ўзини оловга уриб ҳалок бўлмоқда. Олов ёнидаги одамнинг ҳайвон ва капалакларни оловдан тинмай ҳайдашига қарамай, улар ўзларини оловга уриб, куйиб кетмоқда. Улар ўзларидан олдинги шерикларининг ҳалок бўлаётганини кўриб-билиб туриб ҳам яна ўзларини ҳалокатга урадилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўша турли жонзот ва капалакларни оловдан қайтараётган одамга ўхшаб, кишиларни дўзах оловидан, унга тушишга сабаб бўладиган ишлардан қайтарадилар. Уларнинг белбоғларидан ушлаб, оловдан нари тортишга ҳаракат қиладилар. Одамлар эса капалакларга ўхшаб у кишига қаршилик кўрсатиб, ўзларини оловга урадилар. У зот Рафиқул Аълога рихлат қилганларидан сўнг бу ишни Суннатлари қилади. Ким Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларига амал қилса, дўзах оловидан сақланиб қолади, акс ҳолда ўзини оловга урган капалакдек ҳалок бўлади.

Ушбу ҳадисда ажойиб бадийий ўхшатишни кўрмоқдамиз. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Суннатларини маҳкам тутиш нақадар зарур эканлигини тамсил орқали тушуниб етмоқдамиз.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан**